Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№36 (385)
2020 йил 15 май, жума
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

БУГУНГИ СОНДА:



Маҳалланинг янги биноси қад кўтарди 2


Қурилиш объектлари учун тендер савдолари 3


РАМАЗОН ТУҲФАСИ 4


# КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАЖМУА

**Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш, энг аввало миллатимиз давомчилари бўлган оналарнинг соғлиғини асраш орқали соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириш, қолаверса, оналаримизни ҳали ҳомиладорлик давриданоқ уларнинг руҳий, жисмоний, тиббий ҳолатини ўйлаган ҳолда жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий хизмат кўрсатиш доимий долзарб бўлган масаладир. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган мана шундай эзгу ташаббус олиб борилаётган халқона сиёсатнинг ҳаётимиздаги ёрқин самараси сифатида намоён бўлмоқда.**








Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида Тошкент шаҳар 2-перинатал марказ инновацион қурилиш материаллари асосида энергия тежамкор қилиб барпо этилган бўлиб, унда беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча қулайликлар инобатга олинган. Тиббиёт муассасасининг биринчи қаватида кўп тармоқли поликлиника ўрин олган бўлса, юқори қаватларида эса беморлар учун махсус хоналар ва умумий амалиёт хоналари, шу жумладан, чақалоқлар учун жонлантириш бўлими жойлашган. Эътиборли жиҳати, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда бир вақтнинг ўзида 140 нафар беморни даволаш мумкин. Педиатрия маркази эса 160 нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Тошкент шаҳар 2-перинатал марказ ва унга туташ ҳудудда барпо этилаётган Педиатрия маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасидаги яна бир амалий чора-тадбир самарасидир.

*(Давоми 2-бетда)*

# Халқимиз жасорати ва матонати барҳаётдир

**Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизнинг уруш йилларидаги улкан жасорати ва матонатини аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ёш авлодга етказиш ғоятда савобли амаллардан.**




Уруш ва меҳнат фронтида заҳмат чеккан инсонларнинг азиз номларини абадийлаштириш мақсадида «Ўзбекистон» нашриётида «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси» номли фотоальбом тайёрланди. Мазкур суратли мажмуа ўтганларга юксак эҳтиром бўлиши баробарида уларнинг жасоратини, меҳнатини эъзозлаш ифодасидир.

Фотоальбомда юртимиз ва чет эллардаги архивлар, музейларда, уруш қатнашчилари ҳамда уларнинг оилаларида сақланаётган, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб тарихий фактлар, маълумотлар, суратлар, хатлар, хотиралар жамланган. Ўзбекистонлик аскарларнинг қонли жангларда кўрсатган жасорати, Брест қалъаси, Москва остонаси, Сталинград, Курск, Ленинград (ҳозирги Санкт Петербург)ни озод қилиш ҳамда Берлин учун бўлган жанглардаги қаҳрамонликларини ўзида ифода эттирган тарихий фотосуратлар, ноёб далилий ашёларнинг нусхалари акс эттирилган.

Ўша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган халқимиз «Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!» деб яшаб, ороми ва ҳаловатидан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилганликлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, архив ҳужжатлари ҳамда фотолар ёрдамида кўриш мумкин. Ушбу нашрда, шунингдек, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган минглаб инсонларга бошпана берган, ота-онасидан жудо бўлган болаларни «Сен етим эмассан!» дея ўз бағрига олган ўзбек халқининг юксак инсонпарварлик фазилатларига яна бир бора гувоҳ бўласиз. Ва айтиш мумкинки, мазкур тарихий фото-альбомдан жой олган инсонларнинг барчаси миллати, тили ва динидан қатъий назар, жонажон Ватанимиз ҳимояси, унинг фаровонлиги ва ободлиги йўлида фидокорона хизмат қилган, ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлардир.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбек миллий боғларини барпо этиш фурсати

**Маълумотларга кўра, бугунги кунда Республикамизда 130 дан зиёд маданият ва истироҳат боғлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти европа услуби асосида барпо қилинган. Мазкур маданият муассасаларини шакллантириш, такомиллаштириш, қайта тиклаш ва модернизациялаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган бир пайтда шаҳару қишлоқларимизда миллий маданият ва истироҳат боғларини барпо қилиш давр тақозоси.**



*Батафсил 3-саҳифада.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36 (385) 2020 йил 15 май

# Учқўрғонда йирик мажмуа қурилмоқда

**Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида Туркия ишбилармонлари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган йирик корхона қурилмоқда.**

«Uchqo'rg'on golden agro organic» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳага мувофиқ мазкур мажмуа ўз ичига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, томат пастаси ва мураббολар ишлаб чиқариш, шунингдек, мева-сабзавотларни қуритиш цехлари ҳамда узоқ муддатли сақлаш омборларини ўз ичига олади. Корхонада йилига 3,5 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қуввати яратилади.

Лойиҳага маҳаллий тадбиркорнинг 19 миллиард сўм сармояси ҳамда туркиялик сармоядорларнинг 2 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияси йўналтирилган.

Жорий йилнинг декабрь ойида лойиҳанинг биринчи босқичи ишга туширилади ва натижада 150 та иш ўрни очилади. 2022 йилга бориб эса корхонада 500 киши иш билан таъминланади.

Вилоят ҳокими Х. Бозоров коронавирус пандемияси муносабати билан жорий этилган карантин шароитида мазкур лойиҳа бўйича бунёдкорлик ишларининг бориши билан танишди.

**Акрамжон САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ТАДБИРКОРЛИК

# Ўзи ёш, кўпчиликка бош

**«Ургут» эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши тадбиркорларга, аҳолининг ишсиз қатламига катта имкониятлар эшигини очиб берди, юраги меҳнат иштиёқи билан ёнган, элга наф келтиришга бел боғлаган ўнлаб, юзлаб юртдошларимиз яратиб берилган қулайлик ва имтиёзлардан фойдаланиб, йирик лойиҳаларни амалга оширишмоқда. Ёш, изланувчан йигит Муҳриддин Зайниевни ана шундай оловқалблар сафига қўшиш мумкин.**

Ота дуоси, устозлар маслаҳатини олган Муҳриддин бундан икки йил илгари мамлакатимиз раҳбарининг даъватига жавобан ишбилармонликка қўл уришга аҳд қилган эди. Бу йўл машаққатли, қийинчиликлардан иборат бўлишига қарамасдан у ўз мақсадига эришиш ниятидан орқага чекинмади. Давлатимиз ғамхўрлиги, банкнинг имтиёзли кредитлари ва ишончли ҳамкорлар ёрдамига таяниб, ғайрат-шижоат билан иш юритгани боис орзулари рўёбга чиқа бошлади. У хорижлик инвесторлар ва мутахассислар кўмагида салоҳиятли саноат корхонасига асос солди. Бугун М. Зайниев Ургутдагина эмас, Самарқанд вилоятида танилган мулкдорлардан бирига айланган.



– «YEC Gilam» масъулияти чекланган жамияти ўтган йил охирида қурилиб, фойдаланишга топширилди, – дейди ёш бўлсада кўпчиликка бош ишбилармон етакчи. – Икки гектар майдонни эгаллаган иншоотда полипропилин калава ипи ва гилам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Германия технологияси билан модернизациялашган ва замонавий жиҳозлар ўрнатилган корхонада айни пайтда меҳнат сурони авжида.

Бу ерда маҳсулотнинг сифатли, бежирим бўлишига жиддий аҳамият қаратилгани эътиборга сазовор. Шу боисдан уларга ички бозорда ҳам, хорижда ҳам талаб юқори бўлиб, ўз харидорига эга. Ҳозир касб сир-асрорарини пухта ўзлаштирган 100 нафардан зиёд маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланиб, рўзғор тебратяпти.

Янги авлод вакилларининг эзгу ниятлари янада катта. Улар четга сотилаётган маҳсулот экспорт ҳажмини шу йил мобайнида 3,53 миллион АҚШ долларига етказишни мақсад қилишган. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБдан олинган 8 миллион доллар кредит тўлангач, янги иш ўринлари яратиш, ишчи-хизматчиларнинг моддий аҳволини янада кўтариш, маошини ошириш мўлжалланмоқда.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидаги Шайхонтоҳур маҳалласи туманнинг энг намунали маҳаллаларидан бири ҳисобланади. Яқинда бу ерда янги маҳалла идораси ишга туширилди.**

# Маҳалланинг янги биноси қад кўтарди

Замонавий кўриниш касб этган, барча қулайлик ва шароитларга эга бўлган мазкур икки қаватли бинода маҳалла фаоллари ва ходимларининг фаолият юритишлари учун барча имкониятлар яратилган.

– Илгари маҳалла ходимлари ва фаолларининг самарали иш олиб боришлари учун шароит умуман йўқ эди, – дейди «Шайхонтоҳур» МФЙ раиси Ниғмат Раҳимжонов. – Эндиликда тадбиркорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган маҳалла идорасида фаолиятимизни юритишимиз учун имкониятлар яратилиб, маҳалла идораси ходимларининг барчасида алоҳида хоналар мавжуд. 7 529 нафар аҳолини жамлаган маҳалланинг янги идорасида аҳоли учун коммунал тўловларни амалга оширишлари, пенсия маблағларини олишлари учун алоҳида хоналар бор. Бинонинг иккинчи қаватида эса Президентимизнинг беш ташаббуси доирасида кўргазмали воситалар ва кутубхона ўрин олган. Мазкур кутубхонада ўғил-қизларимиз ўз вақтларини мазмунли ўтказишлари ва маънавий билимларини бойитишлари мумкин.



– Шайхонтоҳур туманида «Замонавий маҳалла» лойиҳаси асосида маҳалла маркази ҳамда савдо ва маиший шохобчаларини қуриш учун майдони 0,09 гектарли ер ажратилганди, дейди «ANALIYTIC CONSULTING» маъсулияти чекланган жамияти таъсисчиси Аъло Ғиёсов. – Маҳалла идораси биноси қурилиши 2019 йил январь ойида бошланиб, жорий йил март ойида тўлиқ фойдаланишга топширилди. Ушбу бинода маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга идора ҳовлиси кўркам қиёфага келтирилиб, ўриндиқлар, соябонлар, болалар майдончаси ҳамда дам олиш майдонлари, енгил конструкциялардан иборат спорт жиҳозлари, кичик архитектура шакллари, фавворалар, тунги ёритгич мосламалари ўрнатилди. Бинода нафақат қурилишни балки мебель жиҳозлари билан таъминлашни ҳам амалга оширдик. Аҳоли учун яна бир қулайлик яратиб, 20 ўриндан ортиқ автомобиль жойлаштириш имкониятига эга тураргоҳ ҳам қурилди. Булардан ташқари, келгусида гўзаллик салони, нонвойхона, пойабзал ва маиший техникалар ҳамда кичик ҳажмдаги устахоначилик хонаси, ўқув ва спорт хоналаридан ташкил топган марказни барпо қилиш ниятидамиз.

Маҳалла янги идорасига туташ ҳудудда яна йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қад кўтараётган «Ёшлар меҳнат гузари»да бугунги кунда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Албатта, мазкур гузар ёшларимизнинг ҳаётда муносиб ўрин топишида, уларни меҳнатга жалб этишда ва энг муҳими бўш вақтини мазмунли ўтказишда зарур омил бўлиб ҳисобланади. Маҳаллада бунёдкорлик ишлари билан бирга ободонлаштиришга ҳам катта эътибор қаратиб келинади. Тошкент шаҳар ҳокимининг «Файзли Тошкент» лойиҳаси доирасидаги махсус қарори асосида жорий йилнинг 10 январидан эътиборан ҳудудда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Кўча ва ариқлар чиқиндилардан халос этилди, қуриган дарахтлар кесиб ташланиб, янги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилди. Уйлар олдига айниқса, ёз фаслида мўътадилликни сақлаб туриш мақсадида кичик фавворалар ўрнатилди. Маҳалладаги 412-мактабгача таълим муассасаси эса Ички ишлар вазирлиги томонидан тўлиқ таъмирланиб, реконструкция ишлари амалга оширилди, кичкинтойлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАЖМУА



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур замонавий клиник шифохонанинг қурилиши учун Чилонзор туманида умумий 7 гектар ҳудуд танлаб олиниб, қурилиш ишлари кечаю кундузи олиб борилди. Бу жараёнларга замонавий техникалар, қурилиш воситалари, улкан қурилиш машиналари, малакали соҳа ходимлари жалб этилди. Объектда кундузги сменада 2 500 нафар қурувчи меҳнат қилган бўлса, тунги сменаларда 500 дан ортиқ ишчилар ушбу бинони пишиқ-пухта ва энг муҳими қурилиш меъёрларига тўлиқ жавоб берган ҳолда бунёд этдилар.

Қурилиш асносида тиббиёт муассасасининг ички ҳамда ташқи кўринишларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу ерда беморлар ва улар билан келган яқин кишилар учун махсус ўриндиқлар, дам олиш жойлари, бетакрор ландшафт кўриниш ва яшил ҳудудни ўзида қамраб олувчи майдон ажратилган. Марказга кираверишнинг ўзидаёқ, замонавий қурилиш материаллари асосида барпо этилган ва энг муҳими барча қулайликларга эга бинонинг ноёб архитектуравий қиёфаси таҳсинга сазовор. Бу ерда девор ва зиналарнинг, йўлак ҳамда махсус ушлаб чиқиш мосламаларининг юқори дид ва замон талабаларига ғоятда уйғун ҳолда ташкил этилганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, шовқинни ўзида ушлаб турувчи, беморларга қулайлик яратиб берувчи лифтлар эътиборингизни тортади.

Бинода йўлакларга учун катта ҳудуд ажратилган. Уларнинг майдони 21 640 квадрат метр. Булардан ташқари 8 та туғуруқ зали, болалар учун 12 та ўринга ва катталар учун 15 та ўринли жонлантириш бўлимлари, муддатдан олдин туғилган чақалоқлар ва оналар учун 17 та, бошқа беморлар учун 119 та тиббий ётоқ хоналари ҳамда 5 та жарроҳлик амалиёти хоналари, шунингдек, дам олиш ва овқатланиш хоналарининг барчаси оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишга, беморларга энг сўнгги талаблар асосида ташхис қўйиш ва даволаш учун шай ҳолатга келтирилди.

Телемедицина атамаси тиббиётимизга кириб келганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмаса-да, унинг самарларини мана шундай барпо қилинаётган муассасалар мисолида кўришимиз мумкин. Пандемия шароитида аҳоли онлайн режим асосида ўзига зарур бўладиган маслаҳат ва тавсияларни олишлари унинг дастлабки натижалари бўлди. Карантин даврида ўз иш фаолиятини бошлаган телемедицина тизими орқали онлайн маслаҳатлар олиш аҳолининг вақтини тежайди, молиявий ҳаражатини камайтиради, энг чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи инсонлар ҳам ўзининг саломатлиги ҳақида истаганча тавсия ва маслаҳатлар олишлари мумкин. Янги барпо қилинган муассасада «Онлайн» поликлиника ташкил этилган бўлиб, замонавий техника ва технологиялар асосида малакали тиббиёт ходимлари юртимиз аҳолиси, ҳатто энг чекка ҳудудлардаги беморларга ҳам аниқ маълумот ва маслаҳатларини беришлари учун барча имкониятлар яратилди. «Аск доктор» ягона тизимида ҳозирда 200 дан зиёд малакали тиббиёт ходимларининг юртимизнинг турли ҳудудларида яшаётган фуқароларимиз мурожаатларига куну тун онлайн жавоб қайтараётганлари эътиборга молик. Бир тизимга асослантирилган онлайн тармоқ аҳолига бепул тиббий маслаҳат бериш учун ғоятда қулай.

Албатта, соҳанинг моддий-техник базасини таъминлаш баробарида уни малакали мутахассислар билан тўлдириш ҳам бугуннинг устувор вазифаларидан. Бу борада муассасага малакали тиббиёт ходимлари жалб этилган ва айниқса, уларнинг ўз иш фаолиятидан узилмаган ҳолда жаҳон тажрибалари асосида билим ҳамда малакасини юксалтириб боришлари учун шароитлар мужассам этилган. Буни биз Перинатал марказнинг 100 ўринга мўлжалланган мажлислар зали ҳамда юртимиз ва хориждаги соҳа ходимлари иштирокида онлайн мулоқотлар, маҳорат дарслари ва видеоконференциялар ўтказиш имкониятини яратиш мақсадида ўрнатилган улкан монитор мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев туманимизда қурилиб фойдаланишга топширилган Тошкент шаҳар 2-перинатал марказига ташрифи давомида Ўзбекистонда телемедицинани жадал ривожлантириш кераклигини таъкидлаб ўтди, – дейди Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Раъно Носирова. – Ташриф вақтида Давлатимиз раҳбари онлайн поликлиника дастури орқали шифокорлар билан мулоқот олиб борди. Бу ерда тиббиёт муассасасининг имкониятларига гувоҳ бўлди. «Коронавирус пандемияси кўзимизни очди. Тиббиётда ахборот технологиялари қанчалик муҳим эканлигини кўрсатди. Лекин, бу бўйича шароитлар ҳам, ходимларнинг малакаси ҳам ҳали етарли эмас» деган фикрларни айтиб ўтди Президентимиз. Таъкидланганидек, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида дастур ишлаб чиқиб, телемедицинани жадал ривожлантириш керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, янги марказнинг очилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. У нафақат замонавий кўринишга, балки энг сўнгги тиббиёт технологиялари билан ҳам жиҳозланган бўлиши кераклиги айтиб ўтилди. Муассасада илғор клиникалар тажрибаси асосида энг замонавий қулайликлар яратилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида 200 га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ҳам репродуктив саломатлик, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш давлатимиз сиёсатининг муҳим, айни дамда устувор йўналишларидан бири эканини англаш мумкин. Ҳомийлик ва Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари жалб этилган ушбу тиббиёт маскани лойиҳасининг умумий қиймати 92,1 миллиард сўм бўлиб, айни вақтга қадар бажарилган ишлар ҳажми 82,9 миллиард сўмни ташкил этади. Замонавий ва кенг тармоқли тиббиёт муассасаси, оналар ва болалар саломатлигини асрашни мақсад қилган. Бу эса миллатимиз, авлодларимизнинг давомчиларини руҳан, ақлан ва жисмонан дунёга келтириш, камолга етказишда ҳукумат даражасидаги ижтимоий ҳимоя демакдир.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Умумхалқ ҳаракати барчани эзгу мақсад атрофида бирлаштирди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида жорий йилнинг 20 апрелида саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиш бўлиб ўтган эди. Худди шу куни Давлат раҳбарининг ташаббуси билан «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатига асос солинди.**

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳамда унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар короновирус пандемияси вақтида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор хайрия ишларини амалга оширишди. Хусусан, «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобига «Қизилқумцемент» АЖ, «Бекободцемент» АЖ, «Оҳангаронцемент» АЖ, «Кувасойцемент», «Кварц» АЖ ҳамда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси Марказий аппарати томонидан 526,4 млн сўм маблағ беғараз ўтказилди. Шунингдек, «Жомбой яшил чироқлари» МЧЖ, «Turon Eco Cement Group» МЧЖ ва «PENG SHENG» МЧЖ ҚК каби хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Сардобада сув тошқинидан азият чеккан аҳолига ёрдам бериш мақсадида уюшма томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Табиий офатдан зарар кўрган ҳудудни қайта тиклаш учун зарур бўлган қурилиш материалларини ўз вақтида етазиб бериш мақсадида ишчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилиб, «Кварц» АЖ томонидан 60 млн сўмлик қурилиш ойналари етказиб берилган. Шу билан бирга, ҳудудлардаги соҳа корхоналари томонидан Сирдарё вилоятига қурилиш материаллари хайрия қилинмоқда. Ушбу эзгу саъй-ҳаракатнинг муборак Рамазон ойида амалга оширилишида ҳам жуда катта маъно мужассам. Сирдарё вилоятидаги «Сардоба» сув омборида юзага келган ҳалокат оқибатларини бартараф этиш ва эвакуация қилинган аҳолига мадад кўрсатиш мақсадида «Олмалиқ КМК» АЖ раҳбарияти томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, комбинат таркибидаги «Жиззах цемент» заводи карьеридан 2 600 тоннадан ортиқ харсангтош юборилди. Бундан ташқари, ҳалокат оқибатларини бартараф этиш учун 45 нафар муҳандис техник ходимлари сафарбар этилиб, зарур автотехника ва ускуналар, эвакуация қилинган аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат инсонпарварлик ёрдами юборилди.

– Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида яшовчи кам таъминланган, эҳтиёжманд ва имконияти чекланган фуқароларимизга, жумладан 100 та оилага 6 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан таркиб топган ижтимоий ёрдам хонадонма-хонадон юриб тарқатилди, – дейди «Жиззах цемент» заводи Касаба уюшмалари қўмита раиси Беҳзод Қамбаров. – «Саховат ва кўмак» умуммиллий ҳаракати доирасида хонадонларга борганимизда юртдошларимизнинг бу ёрдамдан қувонганлари бизни ҳам тўлқинлантириб юборди. Аслида, атрофдагиларга меҳр-оқибат кўрсатиб, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш халқимизга хос эзгу фазилат. Синовли кунларда эса халқимиз орасида бу каби саховат тадбирлари янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ана шу хайр-саховат ишлари бир-бирига уланиб кетди. Хусусан, «Олмалиқ КМК» АЖ томонидан Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига 5 000 000 сўм, фронторти фахрийларига эса 3 500 000 сўм, уларга тенглаштирилганларга эса 1 500 000 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, уруш ва фронторти фахрийларига зарурий озиқ-овқат жамланмалари етказиб берилди.

Халқимизнинг бебаҳо азалий қадриятлари, айниқса, бугунгидек оғир кунларда бир-бирини суяшдек эзгу ишлар янада кенгроқ намоён бўлаётгани барчамизни қувонтиради.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбек миллий боғларини барпо этиш фурсати

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Ҳар сафар Тошкент шаҳрига борганимда, биринчи навбатда япон боғига кираман, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси, архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Баҳром Мустаев. – Боғнинг кириш қисмига «Япон боғи» деб ёзилган. Гарчи, бу ёзув бўлмаган тақдирда ҳам боққа ташриф буюрган ҳар қандай томшабин яратилган тарихий муҳит, яъни ўзига хос семантика ва атрибутлари, архитектуравий шакллар ва безакларни кўриб, боғ чиндан ҳам ўша мамлакатнинг маданияти ва табиатидан сўзлаётганига гувоҳ бўлади киши. Тошкент шаҳрининг марказидаги бу боғ чиндан ҳам Япониянинг бетакрор табиати ва ландшафт дизайни ҳақида ҳикоя қилиши баробарида, у ушбу халққа бўлган ҳурматимиз ифодаси, пойтахтимиз аҳли, шаҳримиз меҳмонлари ва хорижлик сайёҳларнинг севимли масканига айланиб улгурган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, юртимизда миллий боғларимизни қайта тиклаш фурсатлари аллақачон етиб келган.

**– Баҳром Баҳодирович, пойтахтимизда қад ростлаган «Япон боғи»нинг машҳурлиги ҳаммамизга маълум. Бироқ, тарихдан биламизки, гўзал боғ ва ҳиёбонлар, маданият масканлари айнан Ўрта Осиёда, хусусан Мовороуннаҳрда ўзининг кўркам қиёфаси, миллийлиги, ноёб меъморчилик анъаналарини акс эттириши билан жуда машҳур бўлган, шундайми?**

– Қадимий чорбоғлар бизгача сақланмаган бўлса-да, Амир Темур ва Темурийлар даврида Моvarоуннаҳрда барпо этилган «чорбоғ»ларнинг мавқеи, аслида, япон боғларидан қолишмайди. Хитой, инглиз, итальян, француз, испан-мавритан боғлари, қолаверса, Шимолий Ҳиндистонда Бобур ва Бобурийлар яратган боғлар, шунингдек, Эроннинг меъморий шаклланган «чорбоғ»лари ҳақида ҳам кўп бора эшитганмиз. Аммо, қачон меъморий жиҳатдан замонавийликни ўзида уйғунлаштирган ўзбек миллий боғлари барпо этилади деган савол менга асло тинчлик бермасди. Шу сабабли биз институт олимлари билан биргаликда «Темурийлар ва Бобурийлар даврини ўрганиш асосида ўзбек миллий боғларини яратиш» мавзусида илмий иш устида изланишлар олиб бормоқдамиз. Ўзбек миллий боғларини замонавий қиёфада қайта тиклаш меъморий дастурини яратиш ғояси меъморчилик фанлари доктори Аҳтам Ураловга тегишли. У 2012 йилда ёш олима Ситорабону Содиқова билан ҳамкорликда яратилган «Ўрта Осиё анъанавий «Чорбоғ» услуби ва замонавий боғ-парк санъати» номли китобида ўзининг дастлабки мулоҳазаларини баён қилган.

Олиб бораётган илмий ишимда мазкур ғояни илмий асослаш, кенгайтириш, такомиллаштириш, ривожлантириш ва умумлаштиришга ҳаракат қилдим. Архитектура фанлари номзоди, профессор Камол Раҳимовнинг 2017 йилда ёзилган «Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари» номли китобида ҳам архитектура бўйича фалсафа доктори Ситорабону Содиқованинг «Концепции возрождения садово-паркового искусства Темуридов в ландшафтной архитектуре Узбекистана» номли тадқиқоти доирасида мулоҳазалар баён этилган. Олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон маданият ва истироҳат боғларини қуриш соҳасидаги илм-фан ривожи анча мустаҳкамланди, қатор дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар яратилганини эътироф этиш зарур. Кейинги йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси», «Архитектуравий лойиҳалаш», «Архитектура назарияси ва тарихи» ҳамда «Дизайн» кафедраларида анъанавий боғ-паркчилик қадриятимизга кирган «Чорбоғ» услуби қатор битирув диплом лойиҳалари ва магистрлик диссертацияларида ўрганилди, ушбу боғни яратишнинг меъморий услубини графикда қайта тиклашга ҳаракат қилинди. Бироқ, Ўзбекистон боғ-парк санъатининг шаклланиш асослари ва ривожланиш босқичлари, мазкур яратувчанлик ривожланишидаги ватанимиз ва замонавий хорижий тажрибалар, ўзбек миллий истироҳат боғини яратишнинг дастурини илмий асослаш, унинг атрибутлари ва семантикаси, меъморий режаси, функционал ва ландшафт ечимларини ишлаб чиқиш масалалари илм-фанда ҳанузгача ўз ечимини топмаган.

**– Айтинг-чи, темурийлар ва бобурийлар даври боғ қурилиши санъатига хос бўлган «Чорбоғ» услуби аслида ўзи қандай?**

– Ҳинд олими М. Рандхаванинг ёзишича, илк чорбоғларни яратган ҳукмдор Аҳамонийлар даври подшоҳи Кир I бўлган. Кейинчалик Кир II, Ксерекс, Доро ва уларнинг давомчилари ҳамда Сосонийлар даври подшоҳлари чорбоғларни нафақат Эронда, балки ўзларига қўшни бўлган мамлакатларда, хусусан Туронда ҳам бунёд этганлар. Шу зайлда «Чорбоғ» услуби Турон заминида Амир Темур ва темурийлар даврида, сўнгра Бобур ва бобурийлар даврида Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг Қобул, Агра, Деҳли, Фотехбур Секри, Кашмир, Лахор каби шаҳарларида ҳам кенг ривожлантирилган. Ўрта Осиёдаги хонликлар даврида маданий боғларни яратиш санъатида ҳам «Чорбоғ» услуби етакчи мавқени эгаллаган. Чорбоғ – бу меъморий шаклланттирилган модулли, яъни миқёсий боғ бўлиб, ҳудудий элементлари симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг «чорчаман» ва «чаман»лардан тузилган, атрофи девор билан чегараланган гўзал маскандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра, инсон тафаккурининг энг олий тасаввури – муқаддас Қуръони Каримдаги «жаннат боғи»га хос бўлган холилаштирилиш назариясига, ҳандасавий уйғунлик ва модул тизимига асосланган.

Чорбоғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, эрта баҳордан то кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар ҳамда узумзор ва анжирзорлар кирган. Мирзатераклар, тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайрағоч ва шамшод каби манзарали дарахтлар боққа кўрк бахш этиб, улар ёрдамида ҳудудда очиқ ва ёпиқ хиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг турли навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар экиш, алоҳида узумзор ташкил қилиш, ҳамиша баҳор бўлган атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, наргисгул, наврўзгул, нилуфар, шаббўй, гултожихўроз, арғун, садбарг, райҳон, ханжарий каби гулларни экиш анъана тусини олган. Чорбоғлардаги ариқ, булоқлар, квадрат, олти ва саккиз бурчакли ҳовузлар, фавворалар, шалола ва шаршаралар киши кўзини қувнатиши баробарида атрофдаги мўътадил иқлимни барқарорлаштириб туришга хизмат қилган. Ҳайвонот дунёсининг ноёб балиқлари, паррандаю қушлар, товус, ўрдак, каклик, беданалар эса бениҳоя гўзаллик бахш этиб, жонли табиатни ўзида акс эттирган. Боғ тарҳидаги ҳар бир квадратда «чорбоғ» яратилишига эътибор қаратилиб, ўз ўрнида мазкур чорбоғлар «чорчаман»лардан тузилган бўлади. Ва табиийки, боғнинг бўйи энидан катта бўлмоғини таъминлайди ва сайр этганлар нарироқдаги гўзал манзаралар, чаман ва гулзорларга кўзи тушади.

**– Боғнинг архитектураси, унинг миллий меъморий ечим ва шакллари алоҳида мавзу. Шу сабаб, келгуси суҳбатларимизда бу ҳақда сиздан атрофлича маълумотлар олишга ҳаракат қиламиз. Энди эса айтинг-чи, миллий боғ яратиш истаги сизда пайдо бўлишига нима туртки бўлди?**

– 2016 йилда Президентимиз Самарқанд вилоятидаги сайловолди учрашувида Амир Темур ва темурийлар даврига оид боғларнинг бир нечтасини қайта тиклаш таклифини берган эди. Кўзланган мақсад эса ўзбек миллий боғини яратиш ва унинг темурийлар давридаги тарихий мавқеини қайта тиклашдан иборат эди. Шундай экан, бугунги кунда ўзбек миллий боғини яратишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш, мазкур боғнинг меъморий дастурини ишлаб чиқиш ва уни замон талабларига уйғунлаштирган ҳолда лойиҳа таклифларини яратиш Ўзбекистон боғ-парк санъати ва шаҳарсозлик амалиётининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида нафақат Тошкент ва вилоятлар шаҳарларида, балки туман марказларида ҳам илгаридан мавжуд бўлган боғлар қайта қурилди, модернизация қилинди, янгилари бунёд бўлди. Бироқ, бу каби маданият ва истироҳат боғларининг аксарияти замонавий ва миллий меъморчилик анъаналаримизга у қадар жавоб бермайди. Биз манбалардан ўқиганмиз ёки бориб кўриб гувоҳ бўлганмиз, масалан, дунёнинг Хитой, Япония, АҚШ, Франция, Германия, Австрия, Англия, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа ривожланган Европа ҳамда Осиё мамлакатлари ўзининг меъморий жиҳатдан юқори савияда яратилган миллий истироҳат боғларига эга. Тарихсиз келажакни қуриб бўлмайди дейдилар. Айниқса, тарихимизнинг саҳифаларига эътибор қаратиб, унинг ҳар бир даврини ўрганар эканмиз, ўша пайтларда илм-фан, санъат, маданият, меъморчилик, шаҳарсозлик ривожланганига шоҳид бўламиз. Ҳаттоки, заминимизда не-не буюк алломалар, улуғ авлиёю фузалолар, закий ота-боболаримиз етишиб чиққанлар, юртимиз жаҳон цивилизацияси тамаддунига бешик бўлган. Биргина, Амир Темур ва темурийлар давридаги бетакрор тарихни ўрганар эканмиз, Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари атрофидаги боғлар мавқеи дунёга машҳур бўлган. Ҳаттоки, ушбу боғлар ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида, испан элчиси Клавихонинг «Самарқандга Темур саройига саёҳат кундалик»ларида, Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида кўп марта қайд этилгани қалбимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Жуда кўплаб олимларимиз масалан, Ў. Алимов, Г. А. Пугаченкова, М. С. Булатов, Д. А. Нозилов, П. Ш. Зоҳидов, Ш. Д. Асқаров, М. С. Тўхтаходжаева, А. С. Уралов, К. Ж. Раҳимов, М. А. Юсупова, С. Н. Содиқовалар ушбу боғларни илмий жиҳатдан ўрганиб, бу маданият масканларининг айнан «Чорбоғ» меъморий-ландшафт услубида яратилганини исботлашган.



Мустақиллик йилларида республикамизда боғ-паркчилик санъати ва ландшафт дизайнини ривожлантириш, мавжуд истироҳат боғлари фаолиятини тубдан қайта қуриш, такомиллаштириш ва янгиларини барпо қилиш борасида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари шулар жумласидандир. Ушбу қарорларда қўйилган вазифалар ҳозирги вақтда оғишмай амалга оширилиб келинмоқда. Меъморшунослик фанлари доктори, профессор Аҳтам Уралов раҳбарлигида «Ўзбек миллий боғи меъморий дастурини яратишнинг илмий-назарий ва лойиҳавий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ҳимоясида ана шу каби долзарб масалани кўриб чиқиш учун қўйганман ва ўйлайманки, олиб бораётган илмий тадқиқотларим асосида «Ўзбек миллий боғи» қандай бўлиши керак деган саволга атрофлича жавоб топиб, яқин келажакда унинг амалий ифодаси сифатида кўҳна Самарқанд шаҳрида бетакрор миллий меъморий анъаналарни ўзида мужассам этган Миллий маданият ва истироҳат боғини барпо этишга эришамиз.

**– Раҳмат, сизга мазмунли суҳбат учун. Келгусидаги илмий изланишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА суҳбатлашди.**


## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хоразм вилояти, Урганч тумани тиббиёт бирлашмасини (мавжуд 90 ўринли туғруқхона биносини қайта таъмирлаш) қайта таъмирлаш | 6 680 415 813 | 142 |
| 2. | Хоразм вилояти, Урганч шаҳар силга қарши курашиш диспансерини (60 койка) қайта таъмирлаш | 4 792 480 072 | 132 |
| 3. | Хоразм вилояти Шовот тумани «Монок» МФЙдаги 55-сонли ҚОП ни қайта таъмирлаш» | 1 436 504 966 | 115 |

**Буюртмачи:** Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Тел.:** (62) 223-09-29.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 26 май куни, соат 17.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 27 май куни, соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.



## «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 15 июнь куни, соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳар, 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Миришкор тумани СЭОМга қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 125 YAA бўлган, техник ҳолати носоз Газ-5314 русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 2 128 812 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 12 июнь куни, соат 13.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар, 4-митти туман, **мўлжал:** «Парвина» кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартнома тузишлари ва мулк қийматини олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт. Кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида ҳақ олинади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.
**Мўлжал:** «Парвина» кафеси ёнида.
**Телефон:** 95-505-08-99.

*1665 рақамли гувоҳнома.*



## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖнинг 2020 йил 13 майдаги 34-сонли буюртманомасига асосан Ангор тумани «Янги турмуш» маҳалласида жойлашган «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖ ҳудудидан қуйидаги мулклар қўйилган:

1. Енгил конструкцияли яхна ичимликлар сотиш учун мўлжалланган 1-павильондаги 1-2-сонли сатҳи 31,05 квадрат метрдан иборат 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Ҳар бир дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси** – 77 625 000 сўмдан.

2. Енгил конструкцияли ноозиқ-овқат товарлари сотиш учун мўлжалланган 2-павильондаги 1-2-3-4-сонли сатҳи 25,37 квадрат метрдан иборат 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Ҳар бир дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси** – 63 425 000 сўмдан.

3. Енгил конструкцияли ноозиқ-овқат товарлари сотиш учун мўлжалланган 2-павильондаги 5-сонли сатҳи 39,42 квадрат метрдан иборат, 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси** – 98 550 000 сўм.

4. Енгил конструкцияли ноозиқ-овқат товарлари сотиш учун мўлжалланган 2-павильондаги 6-сонли сатҳи 52,54 квадрат метрдан иборат 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси** – 131 350 000 сўм.

5. Енгил конструкцияли ноозиқ-овқат товарлари сотиш учун мўлжалланган 2-павильондаги 7-сонли сатҳи 31,05 квадрат метрдан иборат, 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси** – 77 625 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 15 июнь куни Термиз шаҳар Баркамол авлод кўчаси, 19-уйда соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Юқорида қайд этилган манзилда аукцион предмети ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Мазкур дўконларни ижара олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи 2020 йил 15 июнь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 1, 16, 31 июль, 15, 31 август, 15, 30 сентябрь, 15, 30 октябрь, 14, 30 ноябрь, 15, 30 декабрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш куни олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

**Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) иш кун муддат ичида «Сотувчи» билан олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома имзолангандан сўнг 30 кун муддат ичида пул тўловларини «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш шартлари юклатилади:** 2021 0000 1042 9385 0001 АТБ «Микрокредитбанк» Ангор филиали МФО 00344 СТИР 204 738 623.

Ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олиш маблағлари мазкур дўконларнинг қурилиши учун сарфланади ва ушбу пул тўловлари ижара ҳақи тўловлари учун ҳисобланмайди. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари «Сотувчи» томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади. Ушбу дўконлар 7 (етти) ой ичида қуриб топширилади. Ижара тўловлари дўконлар қуриб ижарага олувчига топширилган кундан бошлаб ҳисобланади. Ғолиб деб топилган харидор билан дўконни ижарага олиш шартномаси 49 йилга тузилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганини тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома ва аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

**Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва риэлторлик ахборот-маслаҳат хизматлари учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги маблағни кўрсатилган муддатга қадар «KMSX» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 2060 9027 ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО 01063 СТИР 207 122 519.

**Манзил:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.
**Телефон:** (76) 223-15-82.
**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*


## ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 8 майдаги 33-34 (382-383)-сонида «IFODA UNIVERSAL INVEST» МЧЖ томонидан берилган эълонда «Тошкент механика заводи» АЖга тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган умумий ер майдони – 0,68 га, деб ўқилсин.




**Дунё синов диёридир. Ҳар куни турли синовлар қуршовида яшаймиз. Фаровонлик ҳам, танглик ҳам барчаси аслида синов учун берилади.**

# Ҳар бир нафас учун шукр қилиш керак

Тақдир гардиши инсон боши узра қай томонга қараб айланмасин, киши ўзини муносиб тутган ҳолда чин бандалик йўли – шукроналикда мустаҳкам туриши лозим.

Муқаддас ислом динида шукрга буюк ибодат сифатида қаралади. Бандаларини ҳамиша ва ҳар қачон шукр қилишга буюрган Аллоҳ биринчи навбатда ўзини шукр қилувчи деб атаган: «Ким яхшиликни холисона қилса, бас, албатта, Аллоҳ шукр қилувчи ва билувчидир» («Бақара» сураси, 158 оят).

Аслида, шукрни банда қилиши лозим. Бу оятда эса, Аллоҳ ўзини шукр қилувчи, деб таърифлаяпти. Бу – банданинг оз қилган амалига ҳам кўп савоб бериш билан уни мукофотлайди, деганидир.

Чин мўминга хос бўлган хислат хурсандчиликда шукр қилиб, мусибат етганда сабр қилишдир. Инсон ҳаёти давомида дуч келадиган ҳар қандай ҳолатни ўзининг фойдасига буриши, ундан дунё ва охирати учун фойда олиш имкониятига эга. Суҳайб розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай деганлар: «Мўъминнинг иши ажойиб. Унинг барча иши яхшиликдир. Бу фақат мўмин учунгина хосдир. Агар унга хурсандчилик етса шукр қилади, бунинг учун унга яхшилик бўлади. Агар унга зарар етса сабр қилади, бунинг учун унга яхшилик етади».

Ҳаётимиз, турмуш тарзимиз ҳақида мушоҳада юритсак биздан тўсилган неъматларга нисбатан инъом этилганлари жуда кўплигини англаб етамиз. Олаётган ҳар бир нафас, жисмимизнинг соғломлиги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган даражадаги бойликдир. Бироқ танглик етганда неъматларнинг барчасини унутиб, бетоқат бўла бошлаймиз, тақдиримиздан нолиймиз.

Ривоятларда айтилишича, ҳаётининг танглигидан нолиётган кишига қараб бир донишманд: «Мана шу кўзингни сотсанг юз минг дирҳам бераман», дебди. Киши унамабди. «Икки қўлинг учун юз минг дирҳам бераман», деганда киши яна кўнмабди. «Унда икки оёғинг учун юз минг дирҳам бераман», деб жисмидаги бошқа аъзоларини шу зайил бирма-бир савдолашиб кетибди. Киши барчасига «Йўқ», деб жавоб қайтараверибди. Сўнгра донишманд «Сенда юз минглаб дирҳамлик бойлик борлигини кўрдим. Сен бўлса муҳтожман деб шикоят қилмоқдасан», деб дашном берган экан.

Яхшиликларнинг бардавом бўлиши шукроналигимизга боғлиқдир. Неъматларнинг зиёда бўлишини хоҳлаган киши унинг шукрини адо этиши кераклиги Қуръони каримда қуйидагича изоҳланади: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир» (Иброҳим сураси, 7 оят).

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ҳам шу маънодаги қуйидаги ўгитлар ривоят қилинган: «Неъмат шукрга боғлангандир. Шукр эса зиёда бўлиш билан алоқадор. Ҳар иккиси тенг бириктирилган. Бандадан шукр тўхтамагунча Аллоҳ томонидан зиёда қилиш тўхтамайди».

Шукр қилиш ўз-ўзидан бўлмайди, балки ўзидаги моддий ва маънавий неъматлар ҳақида кўп мулоҳаза қилиш, улар берилган тақдирда қандай ҳолатда бўлишини тасаввур этиш, ўзидан қашшоқроқ, қийналганроқ кишиларни ёдга келтириш инсонни ўзидаги неъматлар учун Аллоҳга шукр қилишга ундайди. Бу иши инъом этувчига ҳам манзур бўлади. Натижада неъматнинг янада зиёда бўлишига сабаб бўлади. Аксинча, ношукрлик, нонкўрлик каби ҳолатлар инъом этувчида нафрат ва ғазаб пайдо бўлишига олиб келади. Натижада берган неъматларини қайтариб олиш ёки бошқа офат ёхуд мусибатларга дучор қилиш йўли билан жазолаши жоиз бўлиб қолади.

Ҳасан Басрий айтади: «Аллоҳ хоҳлаганича неъмат бериши мумкин. Агар неъматга шукр қилинмаса, уни азобга айлантиради. Шунинг учун шукрни «сақловчи» деб номлашган. Чунки у бор неъматларни муҳофаза қилади. Яна уни «жалб» қилгувчи ҳам дейишган. Чунки у йўқ неъматни жалб қилади».

Ўтган солиҳ инсонлар ҳаётини ўргансак, шукроналик борасида юксак намуналарга гувоҳ бўламиз. Уларнинг шукр қилишдаги тушунчалари бизнинг тушунчамиздан анча юқори турган. Улар неъмат етганда эмас, балки қийинчилик етганда шукр қилганлар, яхшилик етганда эса уни бошқаларга илинганлар. Шақиқ Балхий бир солиҳ кишига учраб: «Эй биродар, менга кенгчилик ва тангликдаги ҳолатингизни сифатланг» деб мурожаат қилибди. У киши: «Биз берилсак шукр қиладиган, тўсилсак сабр қиладиган қавммиз», деб жавоб қайтарибди. Шақиқ эса «Бу Балх итларининг ҳолику», деганда у киши ажабланиб, «Унда сизларнинг кенгчилик ва тангликдаги ҳолатингиз қандай?» деб сўрабди. Шақиқ бунга «Биз тўсилсак сабр қиладиган, берилсак бошқаларга улашадиган қавммиз», деб жавоб қайтарган экан.

Бугунги кунда дунё аҳли бошига турли синовлар келмоқда. Айниқса, коронавирус пандемияси осуда кунларимиз қадри нақадар юксаклигини ҳар дақиқа бизга эслатади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, бу касаллик ҳақида чуқур ўйласак, ундан кўплаб ҳикматларни илғаб оламиз. Аввало, кўплаб қудратли давлатлар пандемия олдида ожиз қолаётган вақтда Ўзбекистонда касаллик жиловланганини кўрдик. Халқимизда бирдамлик, олижаноблик, ўзгалар дарди билан яшаш ҳисси мустаҳкамлигига гувоҳ бўлдик. Буларнинг барчаси учун албатта, шукр қиламиз.

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби.**

# Ота-онангизга «уфф» деманг

**Бугун юртдошларимиз муборак Рамазон ойини тинчлик-хотиржамликда ўтказиб, улуғ ой ибодатларини чиройли тарзда адо этмоқда.**

Айниқса, хонадонларимиздаги файз-барака, дастурхонимиз тўкинлиги Яратганнинг биз бандаларига кўрсатаётган чексиз раҳмати, юртимизда олиб борилаётган хайрли ишларнинг, фуқароларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг самараси, десак муболаға бўлмайди.

Зотан, орамизда ҳар бир кунини, ҳар бир сониясини ўзгалар корини осон қилиш, муҳтожларнинг кўнглини кўтаришга бахшида этаётган кўплаб фидойи инсонларнинг борлиги ҳам саодатимиздир. Инсонларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш ва ҳожатларини равон қилиш мўмин банда учун улкан ажру савобдир.

Аллоҳ ўз каломида шундай марҳамат қилади: «Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг» («Моида» сураси, 2-оят). Исломда инсонларни хайрли ва эзгу ишларга бошламоқ, қилаётган амалларида яхшиликнинг бошини тутмоқ ҳар бир банданинг бурчи эканлиги айтилади. Айниқса, ёши улуғ кишиларимизнинг ёшларга қилаётган панду насиҳатларини тинглаб, амалда қўллаб борсак, асло адашмаймиз, ҳаётимиз янада гўзал ҳамда фаровон бўлади.

Дунёда савобга, яхшиликка олиб борадиган ишлар жуда кўп. Жумладан, ота-онага яхшилик қилиш, ака-ука, қавму қариндошлар, қўни-қўшни, маҳалла-кўйдаги ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз яшовчи кексаларга кўмак бериш юксак инсоний фазилатдир.

Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) «Бир кишининг уловга минишида ёрдам беришинг яхшилик – эҳсондир. Бир кишига табассум ила яхши сўз айтишинг ҳам яхшиликдир, одамларга азият берадиган нарсани йўлдан олиб ташлашинг ҳам яхшиликдир, икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ қилишинг яхшиликдир. Моддий ёрдамга муҳтож оилага мурувват қилишинг ҳам сен учун яхшиликдир. Кишига бу каби яхшиликларни адо этгани учун Аллоҳ унга қалб мусаффолигини беради, қолаверса, кўп хайру савобларга эга бўлади», деганлар.

Ан-Наввос ибн Самъон Ансорий (р.а)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в)дан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрадим. Шунда у зот: «Яхшилик ҳусни хулқдир. Ёмонлик кўксингда тўқилган ва одамлар уни билиб қолишини ёқтирмаган нарсангдир», дедилар».

Яхшилик ҳақида келтирилган таърифларнинг бирида: «Яхшилик –фарзу вожибларни қилиш. Ҳаромдан ҳазар қилиш. Одамларга очиқ чеҳра билан қараб, уларга эҳсон қилиш», дейилган.

Эзгуликларнинг энг улуғи ота-онага яхшилик қилишдир. Қуръони каримда: «Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишликни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этади. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!» («Исро» сураси, 23-оят) деган. Дарҳақиқат, банда учун Аллоҳга ибодатидан кейинги келадиган энг биринчи иш ота-онага яхшилик қилишдир.

Ҳофиз Абу Бакр ал-Баззор Бурайдадан шундай ривоят келтирилади: «Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоф қилдираётган экан. У Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) ҳузурига келиб: «Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» деб сўрабди. Шунда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в): «Йўқ, бир оҳ тортишининг ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ», деган эканлар».

Демак, яхшилик қилишни, мурувватни, энг аввало, ота-онамиздан бошлайлик. Айниқса, улар кекса ёшда бўлсалар улардан меҳр-муҳаббатимизни аямайлик, уларни қувонтирадиган ишларимиз билан кўнгилларини хушнуд этайлик. Ширин сўзимиз, чиройли хизматимиз билан уларни хушнуд эта олсак, ҳар қандай ишларимиз бароридан келишига асло шубҳа йўқ. Ҳаётда барча-барчага яхшилик қилсак, асло кам бўлмаймиз. Қолаверса, Яратганнинг ажру савобларига эришамиз. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди, деганларидек яхшиликлар, савобли амаллар бардавом бўлган эл-юрт мустаҳкам, тинч ва осойишта бўлиб, янада юксалади. Бундай диёрда инсонлар бир-бирига меҳрли, мурувватли бўлади.

Аллоҳ таоло шу муборак Рамазон кунларида барчамизнинг қалбимизга яхшилик уруғини сочсин, доимо яхши амалларни бажарувчи, ота-онамизга, яқинларимизга меҳр-оқибатли, мурувватли, хушхулқ бандалари қаторида бўлишни насиб этсин.

**Мирзамақсуд АЛИМОВ,**
**Андижон вилояти бош имом-хатиби.**

**«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ**
**БОШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ**
**ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини Хотира ва қадрлаш куни билан чин дилдан қутлайди.*
*Сизларнинг жасоратингиз ва мардонавор меҳнатингиз олдида ҳамиша таъзимдамиз.*
*Халқимиз, ёш авлоднинг бахтига доимо омон бўлинг!*
*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*




O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-553.
2143 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 21.30. Топширилди – 22.20.

1234 6